

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 194-ҳадис

1. 194. Нўймон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ белгилаган чегарада турадиган киши билан ундан (чегарадан) чиқадиган киши кемага чиқиш учун қуръа ташлаган одамларга ўхшайди. Уларнинг айримлари унинг юқорисига, айримлари пастига жойлашди. Паstdагилар сув олмоқчи бўлишса, тепадагиларнинг олдидан ўтишар эди. Шунда улар: «Агар биз ўз тегишимиздан бир тешик очиб олганимизда, тепадагиларга озор бермасдик», дейишди. Бордию (тепадагилар) уларни ўз истакларига қўйиб беришса, ҳаммалари ҳалок бўлишади. Агар уларнинг қўлларидан тутишса, омон қолишади ва барчалари омон қоладилар».

*Имом Бухорий ривояти.*

Манба: hadis.islom.uz



